

Зоҳиджон Маҳмудович ИСЛОМОВ
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Илмий ишлар ва инновациялар
бўйича проректор,
филология фанлари доктори, профессор
zohidiy@yandex.ru

ЎЗБЕКИСТОН ҚЎЛЁЗМА ФОНДЛАРИНИНГ ЗИЁРАТ ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ

РОЛЬ РУКОПИСЬНЫХ ФОНДОВ УЗБЕКИСТАНА В РАЗВИТИИ ТУРИЗМА

IMPORTANCE OF MANUSCRIPT FUNDS OF UZBEKISTAN IN THE DEVELOPMENT OF PILGRIMAGE TOURISM

Аннотация: Дунёнинг ўтроқ маданий марказларидан бири бўлган Ўзбекистон қўлёзма ёдгорликларга бой давлатларидан ҳисобланади. Республикада қўлёзма фондларида 100 000 дан зиёд қадимий нодир китоблар мавжуд. Улар турли фан соҳаларига оид алломаларимиз томонидан ёзилган асарлар бўлиб Ўзбекистонда зиёрат туризмнинг муҳим объекти бўлиб хизмат қилади.

Калит сўзлар: Зиёрат туризми, фонд, қўлёзма, ёзма мерос.

Аннотация: Узбекистан считается одним из культурных центров с богатым рукописным наследием. На территории Республики имеется более 100 000 древних рукописей. Это ценное наследие посвящено различным направлениям науки и служит ценным объектом туризма в Узбекистане.

Ключевые слова: туризм, фонд, рукопись, письменное наследие.

Annotation: Uzbekistan, as one of the cultural centers of the world, is abundant in manuscripts. There are more than 100 000 ancient books in the funds of the country. These books were written by our scholars on the different fields of the science.

These books are considered as an important object of pilgrimage tourism.

Key words: Pilgrimage tourism, fund, manuscript, written heritage.

Халкларнинг ёзма мероси кишилиқ жамиятининг энг қадимий, нодир маданий бойликларидан саналади. Ўзбекистон қўлёзма меросга бой давлатлардан ҳисобланади. Тарихий ҳужжатлар юртимиз ҳудудида туғилган алломаларнинг фан ва маданиятнинг турли соҳалари бўйича минглаб асарлар ёзганлиги ва улар машҳур котиблар томонидан кўплаб нодир нусхаларда китобат қилинганлигига гувоҳлик беради. Дунё шарқшунос, тарихчи, исломшунос, адабиётшунос олимлари Ўзбекистондаги маънавий мерос марказлари ва улардаги қадимий қўлёзмаларни эътироф этганлар. Улар орасида халқаро ЮНЕСКО ташкилоти томонидан эътироф этилган нодир манбалар ҳам мавжуд.

Аждодларимиз ақл-заковати, қувваи фаҳми натижасида яратилган, инсонни ҳайратга соладиган нодир ёдгорликлар юртимизнинг Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Термиз, Хива, Шаҳризабз, Қўқон, Андижон каби йирик шаҳарларида жойлашган қўлёзмалар хазиналарида сақланмоқда. Йирик қўлёзма марказлари сифатида Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейи ва Ўзбекистон миллий кутубхонаси, Самарқанд Давлат университети, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Самарқанд, Бухоро, Қўқон, Хива шаҳарлари музейларидаги фондларни келтириш мумкин. Юртимиз фондларида сақланаётган 100000 дан ортиқ қўлёзма ва нодир тошбосма китоблар миллатимиз фаҳри, ифтихори бўлиши билан бирга чет эллик кўплаб сайёҳларнинг диққатини торттиши бежиз эмас.

Ўзбекистон фондларида дунё қўлёзма хазиналарида учрамайдиган ягона қўлёзма нусхалар мавжуд. Жумладан, ислом таълимотининг асосий манбаси мукаддас Қуръони каримнинг VII асрдан бошлаб XX аср бошларига қадар машҳур котиблар томонидан кўчирилган санъат асарлари даражасидаги қўлёзмалари ёзма ёдгорликларимизнинг нодир

намуналари саналади. Айниқса, Ўзбекистон мусулмонлари идораси фондида сақланаётган VII асрда 644-648 йиллар оралигида кийик терисига куфий хатида китобат қилинган Ҳазрати Усмон мусҳафи дунё аҳолиси, мусулмон мамлакатлари томонидан энг нодир манба сифатида эътироф қилинади. Шу сабабли ҳам мазкур нодир қўлёзма Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуслари бунёд этилаётган Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази биносининг марказий қисмига жойлаштирилади. Ушбу нодир манбанинг 2004 йили терига кўчирилган қўлёзмаси Ўзбекистон халқаро ислом академияси Манбалар хазинасида сақланмоқда[1.46-53]. Усмон мусҳафи бу қўлёзмаси Лондон ва Абу Даби шаҳарларидаги халқаро кўргазмаларда намойиш этилган. Ўзбекистон мусулмонлари идораси фондида IX-XIII асрларда китобат санъатининг энг юксак маҳорати билан китобат қилинган 10 дан ортиқ дурдоналари мавжуд.

Юртимиз алломаларининг ислом маданиятига қўшган юксак ҳиссалари улар томонидан яратилган ва давримизга қадар қўлёзма нусхалар шаклида етиб келган нодир асарларда ўз аксини топган. Мусулмон дунёсига машҳур бўлган, ислом илмлари бўйича фундаментал асарлар яратган, хусусан, ҳадисшунослик бўйича Имом Бухорийнинг “Ал-Жомеъу-с-саҳиҳ”, Имом Термизий ва Имом Доримийларнинг “Сунан” асарлари, калом илми бўйича Абу Мансур Мотуридийнинг “Тавҳид”, Абу Муъин Насафийнинг “Табсирату-л-адилла”, Абу Ҳафс Умар Насафийнинг “Ақоид”, тафсиршунослик бўйича Абу Лайс Самарқандийнинг “Баҳру-л-улум”, Маҳмуд Замахшарийнинг “Кашшоф ан ҳақоқи-т-танзил”, Абулбаракот Насафийнинг “Мадорику-т-танзил”, фикҳ илми бўйича Абу Ҳафс Кабир Бухорийнинг “Фатово”, Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя” асарлари шулар жумласига киради[2:75].

Марказий Осиёлик аниқ фанлар бўйича ижод қилган алломалардан Абу Абдуллоҳ Хоразмий ва унинг “Фи ҳисоби-л-ҳинд” – “Ҳинд ҳисоби ҳақида китоб”, “Китобу-л-мухтасар фи ҳисоби-л-жабр ва-л-муқобала” – “Ал-Жабр ва-л-муқобала ҳисоби ҳақида қисқача китоб”, “Зижу-л-Хоразмий” – “Хоразмийнинг юлдузлар жадвали”, “Китоб сурати-л-ард” – “Ер сурати китоби” асарлари, Аҳмад Фарғонийнинг “Китоб фи усул илм-н-нужум”- “Астрономия асослари”,

“Ҳисобу-л-ақолими-с-сабъа” – “Етти иқлим ҳисоби”, Абу Райҳон Берунийнинг “Ал-Осору-боқия мина-л-қуруни-л-ҳолия” – “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, “Ал-Қонуну-л-Масъудий” – “Қонуни Масъудий”, “Китобу-т-тафҳим ли-авои-ли-синъати-т-танжим” – “Астрономия асосларини тушунтириш китоби” асарлари, шунингдек, Абу Наср Мансур, Маҳмуд Чағминий, Ғиёсиддин Жамшид Коший, Муҳаммад Тарағай Улуғбек, Али Қушчи каби олимларнинг асарлари дунё цивилизацияси ривожига асос бўлган[3:18-42].

Минтақанинг табиатшунослик илмлари бўйича алломалари Ибн Синонинг “Ал-Қонун фи-т-тиб” – “Тиб қонунлари”, “Китобу-ш-шифо” – “Шифо китоби”, “Китобу-н-нажот” каби 450 дан ортиқ асарлари, Муҳаммад Мусо Хоразмийнинг “Китоб сурати-л-ард” – “Ер сурати китоби”, Абу Мансур Қумрий, Абу Саҳл Масиҳий, Исмоил Журжоний, Юсуф Ҳиравий, Муҳаммад Бақран, Ҳофизи Абрў, Ғиёсиддин Наққош, Абдураззоқ Самарқандий каби олимларнинг соҳага оид асарлари илмий маълумотларининг оригиналлиги билан ажралиб туради.

Ўрта асрлар шарқ алломаларининг фалсафий ва тарихий мероси билан инсоният цивилизацияси ривожига катта ҳисса бўлиб қўшилган. Абу Наср Форобий, Абу Абдуллоҳ Хоразмий, Фаҳриддин Розий, Ғиёсиддин Хондамир, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва яна кўплаб алломаларнинг нодир асарлари давримизга қадар етиб келган. Уларга соҳа бўйича дунё мутахассисларининг қизиқишлари жуда баланд. Олимларимизнинг Ўзбекистон қўлёзма фондларида сақланаётган асарларининг нодир нусхалари катта илмий аҳамият касб этади. Жумладан, Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида сақланаётган Шарафиддин Али Яздий “Зафарнома” асарининг қадимий қўлёзмаси, Абу Наср Форобий асарларининг нодир қўлёзмалари, Фаҳриддин Розий “Таҳсилу-л-ҳақ” – “Ҳақиқатни билиш” асарининг нусхаси каби манбалар олимлар диққатини жалб этиб келмоқда[4:24-33].

Ўзбекистон қўлёзма фондлари дунё олимлари ва сайёҳларининг эътирофига кўра ўзининг бадий адабиёт, филология соҳасига тегишли жуда сермазмун манбалари катта илмий

аҳамият касб этади. Фондларимизда Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Юғнакий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Абулқосим Маҳмуд Замахшарий, Нодира, Муҳаммад Ризо Огаҳий каби ўзбек адабиёти ва маданияти намояндалари қаламига мансуб дунё халқлари кизиқиб мутола қиладиган асарларининг қўлёзмалари мавжуд. Бу асарлар дунё олимлари томонидан ўрганилган ва ҳозирги кунда бу тадқиқотлар муттасил давом эттирилмоқда. Бу нодир манбалар сирасига Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”, Алишер Навоий илмий меросига мансуб асарлар қўлёзмалари, жумладан, “Хамса”, “Насоиму-л-муҳаббат” каби асарларининг қадимий нусхалари, Маҳмуд Замахшарийнинг “Муфасссал”, “Муқаддамату-л-адаб” асарлари киради. Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейи фондида Маҳмуд Замахшарий “Муқаддамату-л-адаб” асарининг 1492 йили китобат қилинган арабча-форсча-ўзбекча-мўғулча дунёдаги ягона қўлёзма нусхаси сақланади[5:7]. Мазкур қўлёзма асосида Польша, Россия, Япония олимлари илмий тақиқотлар олиб борганлар.

Ўзбекистоннинг бой ва нодир ёзма маънавий меросини аниқлаш, уларни юртимизга олиб келиш, тадқиқ этиш борасида юртимизда кейинги йилларда жуда катта ва кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг фонди 2000 йилда ноёб илмий ва маданий объектлардан бири сифатида ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилди. Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича бутунжаҳон жамияти тузилди. Мазкур жамиятнинг халқаро конгресслари юқори илмий савияда мунтазам ўтказилмоқда[6:1-80].

Дунёнинг Англия, Франция, Германия, Италия, Россия, Туркия, Миср, Эрон, Ҳиндистон, Хитой каби ўнлаб давлатлари фондларида юртимиз олимларининг асарлари, маҳаллий хаттот-котиблар томонидан кўчирилган нодир қўлёзмалар мавжуд. Уларнинг аксарияти илмий истифодага киритилмаган, уларни ўрганиш юртимиз маънавий бойлигини янада оширади.

Ўзбекистонда мингдан ортиқ ноёб, қадимий тарихий-меъморий обидалар мавжуд. Уларнинг тўлақонли жилосини нодир қўлёзма

манбаларсиз тасаввур этиш мушкул. Шу сабабли қадимий осори-атиқалар билан ҳайратланган хорижий сайёҳларни аллома боболаримиз яратган улкан маънавий мерос-қўлёзма манбалар ҳам бефарқ қолдирмайди. Бу бебаҳо бойлик мамлакатимиз, халқимизнинг халқаро нуфузини янада оширади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдуллаев Ғ., Раҳимжонов Д., Зиёдов Ш. Тошкентдаги Усмон мусхафи. Тошкент. 2015. -Б.46-53.
2. Собрание восточных рукописей. Т.4. Ташкент. 1957.-С. 75.
3. Ўрта асрлар шарқининг машҳур олим ва мутафаккирлари.Тошкент. 2014. Б.18-42.
4. Тллашев Х. Общепедагогические идеи ученых-энциклопедистов Ближнего и Среднего Востока эпохи средневековья. Ташкент. 1985. -С.24-33.
5. Маҳмуд Замахшарий. “Муқаддамату-л-адаб”. ЎзРФА Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи фонди, қўлёзма, № 202. -Б.7.
6. Проект “Культурное наследие Узбекистана в собраниях мира”. Ташкент. 2020. -С.1-80.